

## Ўзбек ва Турк Тилларида Замоннинг Муқаддас Қадрият Сифатида Ифодаланиши Хусусида\*

Shoxista SULTONOVA MUXAMMADJANOVA\*\*

Çetin YILDIZ\*\*\*

### АННОТАЦИЯ

Вақт инсон учун ҳаётни тартибга солиш, баҳолаш ва ўргатиш каби кўп жиҳатдан энг қимматли тушунчалардан биридир. Ҳам диний, ҳам ижтимоий, ҳам маданий ҳаётда муҳим ўрин тутган бу тушунча бугунги кунда кўплаб илмий соҳаларда тадқиқот мавзусидир. Ана шундай фан соҳаларидан бири тилшуносликдир. Тилшуносликнинг тавсифий, қиёсий ва маданий лингвистик таҳхил усуслари билан муқаддас матнлардаги вақт тушунчаси, вақтнинг инсон ҳаётини куршаб турган омил эканлиги ва унинг турли тил воситаларида, баъзан муқаддас, баъзан оддий ифодалар билан қўлланиши, вақт билан боғлик диний амрларнинг халқ тилига чукур сингиб бориш масаласи котарилгандир. Вақтни ифодаловчи сўзларнинг муқаддаслиги ҳам вақтнинг муқаддаслиги билан боғлиқ. Бу ҳолат муқаддас матнларда тез-тез учраб туради ва бугунги кунда ҳам, айниқса, мақол ва иборалар каби тургун бирикмаларда кўзга ташланади. Астрологик ва эсхатологик диний тушунчаларни конкретлаштириш, инсон учун муҳим бўлган давр ва вақтларни қайд этиш билан бирга халқ тақвимида турли маросимлар (байрам ва иш кунлари, рўза вақти, яхши ва ёмон кунлар кабилар) пайдо бўлган. Бу маросимлар вақт билан боғлиқ қолиплашган сўз ва ифодаларни ўз ичига олади. Генетик томондан кардош хисобланган турк ва ўзбек халқлари ўртасида тил ва маданият жиҳатидан бирмунча фарқлар мавжуд бўлса-да, бу икки жамиятнинг вақт тушунчасига бўлган карашлари эътиқод бирлиги туфайли ухшашдир. Ўзбек ва турк жамиятлари муштарак маданиятида диний эътиқодлар доирасида шаклланган вақт тушунчаси ушбу тадқиқотнинг асосий мавзусидир. Мақол, ибора ва халқ эътиқодидаги вақт тушунчаси қиёсий муҳокама қилинди. Шундай қилиб, мақоламиизда ҳар икки жамиятда бу тушунчанинг ўхшаш ва фарқли томонлари очиб берилади.

**Калит сўзлар:** Вақт Тушунчаси, Лингвокултурология, Мақол ва Иборалар.

**Başvuru / Kabul:** 18 Nisan 2024 / 20 Mayıs 2024

**Regarding The Representation Of Time As A Sacred Value In Uzbek And Turkish Languages**

### ABSTRACT

Time is one of the most valuable concepts for human beings in many aspects such as organizing, evaluating and teaching life. This concept, which has an important place in both religious, social and cultural life, is the subject of research in many scientific fields today. One of these fields of science is linguistics. Linguistics has descriptive, comparative and cultural linguistic analysis methods. With these analysis methods, the concept of time in the holy texts, the fact that time is a factor surrounding human life, and its use in various language elements, sometimes with sacred and sometimes ordinary expressions, are discussed. This situation is frequently encountered in sacred

\*Bu araştırma makalesinin verileri anket veya mülakat teknikleri kullanılarak elde edilmemişinden etik kurul izni gerekmemistiştir.

In this research article, ethics committee permission was not required as the data were not obtained using survey or interview techniques.

\*\*Assoc. Dr., Department of Russian Language and Literature, Alfraganus University, Tashkent/UZBEKİSTAN, E-mail: [ms.sultana74@mail.ru](mailto:ms.sultana74@mail.ru), ORCID Number: [0009-0001-3846-5159](https://orcid.org/0009-0001-3846-5159)

\*\*\*Assist. Prof. Dr., Department of Turkish Language and Literature, Aksaray University, Aksaray/TÜRKİYE, E-mail: [cetinyildiz@aksaray.edu.tr](mailto:cetinyildiz@aksaray.edu.tr), ORCID Number: [0000-0002-3985-1086](https://orcid.org/0000-0002-3985-1086)



texts and is also seen today, especially in stagnant expressions such as proverbs and idioms. Various rituals have emerged in the folk calendar to concretize astrological and eschatological religious concepts and to record periods and times that are important for humans. Although there are some differences in terms of language and culture between the Turkish and Uzbek people, who are considered genetically siblings, the concept of time is similar in these two societies due to the unity of belief. The concept of time, shaped within the framework of religious beliefs in the common civilization of Uzbek and Turkish societies, is the main subject of this study. The concept of time in proverbs, idioms and folk beliefs has been compared. Thus, similar and different aspects of this concept emerged in both societies.

**Keywords:** Concept of Time, Culture Linguistics, Proverbs and Idioms.

**Received / Accepted:** 18 April 2024 / 20 May 2024

### **EXTENDED ABSTRACT**

Time has been one of the most important concepts for humanity from past to present. This concept primarily comes to the forefront in the organization of daily life. Additionally, it holds significant value in determining moments considered important by people, such as special days and days of worship. In this context, people have defined parts of time influenced by factors like their beliefs and the requirements of the geography they live in. While doing this, they have shaped their beliefs about time and their religious and cultural needs, especially through set expressions like proverbs and idioms.

Both Turkish and Uzbek societies have developed and frequently used numerous concepts and set expressions related to time in both their pre-Islamic beliefs and Islamic faith. Because both societies had cultural unity in the past and continue to share religious unity today, they have produced similar expressions. Especially due to the requirements of beliefs related to Islam, many concepts of time have either been used in their Turkish versions or retained in their Arabic forms. For instance, expressions related to life and death, which are crucial for humanity, such as 'one's time coming,' 'time being up,' and 'time and hour being fulfilled,' have emerged similarly in both societies. Many precepts in Islam about the efficient and proper use of time have continued to exist as cultural elements in both societies through set expressions. Notably, expressions emphasizing the need to value youth and the idea that time/life flows like water are prominent.

When examining the expressions related to specific periods of human life, similarities as well as differences are observed between Uzbek and Turkish communities. In Uzbek culture, the period of old age is considered a time of respect and honor, whereas in Turkish culture, it also carries connotations of becoming weaker and being dependent on others, which are viewed less favorably. Regarding the Arabic term 'ajal,' associated with Islamic beliefs, it is noted that there are numerous proverbs about a person dying when their appointed time (ajal) comes.

In summary, it can be said that in contemporary Uzbek and Turkish languages, concepts of time related to various aspects of daily life, the determination of religious days, and all stages of human life have been shaped according to Islamic principles. Some of these concepts and set expressions are used in translated forms in Turkish, while others have been incorporated into the language in their original Arabic forms.

### Кириш

Ўтган XX аср кўплаб масалалар, тушунчалар ва феноменларни идрок қилиш ва талқин қилишда туб бурилишлар ясади, шунингдек, замон, айниқса темпораллик масаласи талқинида ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. Замон нафақат фалсафанинг, балки, умуман, илм-фаннынг асосий тушунчаларидан бири ҳисобланиб, хозиргача дунёнинг ва инсон онгининг энг сирли феноменларидан бири бўлиб қолмоқда. Инсон билан боғлиқ ҳолда, замон алоҳида шахснинг, қолаверса, жамиятнинг – маданиятнинг ҳаётини аниқлаб берувчи энг муҳим ва асосий компонент ҳисобланади. Маданият эса, ўз навбатида, барқарор, ёпиқ элемент эмас, балки фаол ҳаракатдаги, ривожланувчи ва ўзига хос тизим ҳисобланиб, ушбу тизим ташқи моддий дунёнинг нафақат ривожланиши ва ҳаракати билан боғлиқ ҳолда мавжуд бўлади ва темпораллик хусусиятига ҳам эга бўлади. Замон объектив борлиқнинг моҳиятини акс эттирувчи ва ҳар қандай тил тизимининг асосини ташкил қилувчи етакчи онтологик ва лисоний категориялардан бири ҳисобланади, у “материя мавжуд бўлишининг умумий шакли бўлиб, унинг мавжуд бўлиш давомийлигини, барча моддий тизимларнинг ўзгариши ва ривожланишидаги ҳолатлар алмашинувининг кетма-кетлигини ифодалайди” (Ильичева 1983: 840).

Таъкидлаш жоизки, ўта мураккаб ҳисобланган замон категориясига мукаммал таъриф бериш борасида ягона тўхтамга келинмаган. Шу сабабли замон ҳозирги кунга қадар турли фанлар томонидан (табиий фанлардан тортиб то ижтимоий фанларгача) алоҳида эътибор билан ўрганиб келинмоқда. Айниқса, фалсафа ва тилшунослик соҳасида замон категориясининг турли жиҳатлари кенг ёритилмоқда.

Мазкур мақолада қардош ўзбек ва турк халқарининг муштарак маданиятида замон (вакт) тушунчасининг қадриятли ўрни ва унинг диний матнлар билан боғлиқ лисоний ифодасини ёритиш мақсад қилиб олинган. Олтой тиллар оиласига кирувчи туркий тиллар гурухи жаҳон тиллари орасида энг қадимийларидан бири ҳисобланиб, ўттизга яқин тилларни қамраб олади. Ушбу тиллар боботил ҳисобланган туркийдан

тарқаган бўлса-да, уларнинг ҳар бири ўз тараққиёт йўлига эга. Хусусан, ўзбек ва турк тиллари мазкур икки халқнинг географик жойлашуви, ижтимоий-сиёсий тараққиёти, яшаш тарзидаги фарқлар туфайли бири биридан узоқлашган бўлишига қарамай, тил ва тил тўғрисидаги фан бўлмиш тилшуносликка кучли таъсир кўрсатган диний таълимот ва эътиқоднинг ўзбек ва турк халқлари учун ягоналиги шу диний қарашлар асосида шаклланган маданиятнинг яқинлашуви ҳамда унинг тилдаги ифодаси ўзбек ва турк муносабатларидаги мавжуд бўшликларни маълум даражада тўлдиради, деб ҳисоблаймиз.

### **Адабиётлар таҳлили ва методлар**

Тилшунослик фани тарихига назар ташлайдиган бўлсак, унинг қадимги даврларда пайдо бўлиши ҳамда асрлар оша ривожланиб келиши диний таълимотлар қайд қилинган матнларни ўрганиш, талкин қилиш, таржима қилиш, оммалаштириш каби амалий эҳтиёжлар билан бевосита боғлиқлигини англаш мумкин. XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг охирларигача турли давлатларда атеизм ғояларининг тарқалиши ҳамда диннинг роли сусайиши (секуляризация) оқибатида жамият тафаккурида маънавий бўшлиқ юзага келди. Ушбу бўшлиқни тўлдириш мақсадида диний қадриятларни тиклашга қаратилган чоралар туфайли турли фанлар ҳаётида янги масалалар пайдо бўла бошлади. Жумладан, ҳозирги кунда тилшуносликка оид қарашлар билан диний таълимотларни уйғунлаштириш орқали жаҳолатга қарши маърифатни тарғиб қилиш тенденцияси кузатилмоқда.

Шу жиҳатдан, мазкур ишда *тавсифий* метод ёрдамида замон категориясини муқаддас тушунча сифатида таърифлаш, ушбу мавзунинг тилшуносликдаги тадқиқини таҳлил қилиш, *қиёсий* метод воситасида генетик жиҳатдан яқин қариндош ҳисобланган ўзбек ва турк тилларида муқаддас замоннинг қадрият сифатида ифодаланишининг умумий ва хусусий жиҳатларини ёритиш, *лингвомаданий таҳлил* методи орқали муқаддас замон тушунчасининг тил ва маданият кесишувидаги ўрнини асослаш долзарб кўринади.

Замон категорияси тўғрисида машҳур олим Л.Н.Гумилев шундай фикр билдирган: «Халқнинг ҳолатини аниқловчи кўрсаткичлардан бири ... бу этник онгнинг (ҳар бир халқнинг) таснифлаш учун жуда қулай ҳисобланувчи замон категориясига бўлган муносабати ҳисобланади» (Гумилев 2003: 254). Ҳақиқатан ҳам, маданиятларда мавжуд замон образи ҳаётнинг мазмун-моҳияти тўғрисидаги тасаввурларни ўз ичига

олади. Ҳар бир маданият ўзига хос замон образини абадийлик кесимида ва ҳозирги даврнинг муайян лаҳзаси билан ҳамоҳанг тарзда яратади. Ушбу образ халқ менталитети ва маданиятининг ўзига хос томонларини акс эттиради.

Муқаддас матнлардаги замон таълимоти инсон ҳаётини бошқариб турувчи омил бўлиш баробарида халқнинг кундалик турмуш тарзига, тилига чуқур ўрнашиб кетганлиги ва турли тил бирликларида баъзан муқаддас, баъзан одатий ифодалар сифатида қўлланилаётганлиги замон (вақт) маъносини ифодаловчи темпорал сўзларнинг лингвомаданий хусусиятларини белгиловчи омиллар ҳисобланади. Темпорал сўзларнинг муқаддаслик хусусияти айнан замон (вақт)ни қадрият сифатида англаш билан боғлик. Бу гоянинг негизи муқаддас матнларда асосланган бўлиб, ҳозирги кунда мақол, матал, турғун бирикмаларда янада тўлиқроқ ва чуқурроқ қўринишда ўз аксини топмоқда.

Шундай қилиб, муқаддас матнларда қўлланилган темпорал сўзларни ўзбек халқи менталитетининг ёрқин ифодаси бўлмиш турғун бирикмаларда, номинатив тизимда ҳам учратиш мумкин: *эрта аzonлаб* (жуда эрта, азон айтиладиган пайтда), *етти хуфтонгача* (кечгача, хуфтон намози пайтигача), *дили хуфтон бўлмоқ* (хафа бўлмоқ, яъни дилида қоронғулик бўлмоқ), *намозиомгул* (шом намози пайтигача очилиб турадиган гул), *окшиом* (хайрли бўлган кечки пайт), *алмисоқдан қолган* (жуда эски), *кунини кўрсатмоқ* (жазоламоқ), *кун кўрмоқ* (яшамоқ), *кун бермаслик* (тинч яшашга қўймаслик), *вақти-соати келмоқ* (режалаштирилган бир ишни амалга ошириш вақти келиши, қулай вақт ёки ўлим вақти) ва ҳ.к.

Бу ифодалар нафақат кундалик ҳаётда, балки бадиий матнларда ҳам учрайди: *Алмисоқдан қолган* қўхна уйнинг тўқилиб турган айвонида икки чол – қадим дўстлар, одатдагидай битмас-туганмас сұхбатларига киришиб кетади (Ойбек 1963: 15).

“*Алмисоқдан қолган*” (жуда эскирган) иборасининг пайдо бўлиш тарихи тўғрисида шайх Алоуддин Мансур шундай ёзади: “*Куръон бизга уқтиришича, Тангри таоло ўз қудрати билан Одам алайҳис-саломнинг белидан ундан тарқайдиган барча зурриётларни чиқариб, уларга Ўзининг мўъжизаларини кўрсатгач: “Айтингларчи, Мен Сизларнинг раббингиз эмасманми?”* деганида, улар: “*Парвардигоро, Ўзинг барчамизнинг раббимизсан, бизлар бунга гувоҳ бўлдик*”, деб Тангрига аҳду паймон, яъни мисоқ берган эканлар” (Қуръони Карим:113). Демак, “*алмисоқдан қолган*” ибораси “Одам Ато даврига тегишли” тушунчасини ифодалайди.

Замон тушунчасини ўзида акс эттирган иборалардан яна бири “кунини кўрсатмоқ” ҳисобланади. “Жуда қаттиқ ёмонлик, жабр-зулм қилмоқ (шу ҳақдаги дўк-пўписани билдиради)” (Бегматов ва б. 2006: 429). Бизнингча, ушбу иборанинг замиридаги мазмун “кун” сўзи Қуръонда қиёмат, яъни ҳисоб-китоб қилинадиган вақт маъносида қўлланилганлиги билан боғлиқ. Ўзбекларда ушбу ибора кишилар ўртасида низо чиқкан пайтда “жазоламоқ”, “урмоқ”, “ўлдирмоқ” сўzlари ўрнида қўлланаади. Аслида эса “кун” сўзи ўзбек тилида асосан ижобий маъноларда қўлланилади, зеро кун – бу ёруғлик, инсоннинг тириклиги, ҳаётининг фаол қисми ўтадиган пайт, шунинг учун “кун” сўзи иштирок этган нейтрал ёки ижобий маънодаги иборалар кўп: иш куни; бир кун(и) – ўтган ёки келгуси кунларнинг бирида; бир кун эмас, бир кун – қачондир бир кун, вақти келиб; кун тартиби – мажлис муҳокамасига қўйиладиган масалалар таркиби ва тартиби; кун(и) туғди – омади келди; ой чиқса ҳам унга, кун чиқса ҳам унга – ҳамма нарса, диққат-эътибор унга (Кимсанинг эрка-арзандаси бўлиб қолган кишига нисбатан айтилади); кун кечирмоқ (ёки кўрмоқ, ўтказмоқ) – яшамоқ, ҳаёт кечирмоқ, тириклик қилмоқ ва ҳ.к.

Яна таркибида “кун” компоненти бўлган шундай иборалар мавжудки, уларнинг яхлит ҳолдаги маъноси салбий бўлишига қарамай, “кун” тушунчаси инсон ҳаёти учун ўта муҳим ва зарур бўлган хотиржамлик, тириклик рамзи эканлиги тагмаънода акс этиб туради: *кун бермаслик* – ўз ҳолича ишлаш, яшашга қўймаслик, чиқиштирмаслик; *кун йўқ* – кун бермаслик, тинч қўймасликни билдиради; *куни битмоқ* – ўлим вақти етмоқ.

Юқоридаги иборалар таҳлилидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, “кун” сўзи кўп маъноли бирлик ва унинг иштирокидаги ибораларни мазмунан диний манбалар билан боғлаш мумкин.

“*Вақти-соати етмоқ*” ибораси ҳам ижобий ёки салбий маъноларда қўлланилиши мумкин:

- “ҳисоб-китоб” пайти (қиёмат соати) келмоқ – гуноҳ иш қилган кишига нисбатан;
- орзиқиб кутилган вақт келмоқ – режалаштирилган пайтга нисбатан;
- ўлим вақти етмоқ.

Умуман, муқаддас матнларда *ўткинчи дунё, фоний дунё, кўз очиб юмгунча, бир нафаслик дунё, беши кунлик дунё* каби ибораларни учратиш мумкин.

Професор А.М.Маматовнинг ёзишича: “Ҳар қандай тилнинг бирор иборасида оламнинг миллий лисоний манзарасини акс эттирувчи мазмун яширинган бўлади” (Маматов 2017: 67). Дарҳақиқат, юқорида келтирилган иборалар ислом динидаги замон таълимотига хос бўлиши билан бирга, мусулмон бўлган кўплаб халқлар маданияти ва тилида ҳам мавжуд. Шунингдек, ушбу ибора, тасвирий ифодалардаги ғоялар мақол ва маталларда ҳам ўз аксини топган, масалан, *Жумадан умидинг бўлса, пайшанбадан ҳаракат қил; Асадда оралаб е, сунбулада – саралаб; Аямажуз олти кун, олти ой қишидан қаттиқ кун; Савер ойи – давер ойи.*

Турк тилида ўзбек тилига ўхшаш “gününү görmek” ибораси ёмон оқибатга дучор бўлмоқ ва жазоланмоқ маъносини билдиради. “gününү göstermek” ибораси таҳдид орқали кимнидир жазолаш маъносида ҳам қўлланилади. Арабчадан туркчага ўзлашган ўлим сўзи билан ҳосил қилинганд “eceli gelmek” “ўлим вақти келган” деган маънони англатади. Худди шундай туркий сўзлар билан ясалган ибораларга назар ташласак, “günü gelmek”, “zamanı dolmak” иборалари диққатни тортади. Бу иборалар ўлим ёки туғилиш вақти келганлигини билдиради. Яна “Ecel geldi cihana, baş ağrısı bahane”, “terazi var tartı var, her şeyin bir vakti var” (Aksoy 1988: 256, 447) каби иборалар мусулмон турмуш тарзи ва эътиқоди асосида шаклланган мақоллар ҳисобланади.

Келтирилган мисоллар асосида айтиш мумкинки, муқаддас матнларда замон тушунчасига бўлган эътиборни кўрсатувчи таълими-тарбиявий аҳамиятга эга бўлган таълимот ҳозирги замон тилида ўз аксини топмоқда ва тараққиёт туфайли уларнинг маъноси янада кенгайиб бораётганини, турли вазиятларда самарали қўлланилаётганини кузатиш мумкин.

Мақол – бу халқнинг кўп асрлар давомида ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва маданий тажрибаси асосида шаклланган лўнда ва бир вақтнинг ўзида ҳайратланарли тарзда сифимли ва чукур мазмунли оғзаки ижод жанри ҳисобланади (Саримсоқов, Мусакулов 2003: 512). Ушбу тушунча ўзбек тилида *мақол*, тоҷикларда *зарбулмасал*, русларда *пословица*, арабларда (жонли сўзлашувда) *нақл* (қавлун – гапирмоқ, айтмоқ) сўзидан олинган), туркларда *ата сўзи* атамаси билан юритилади.

Мақолларда сўз қиммати алоҳида ифодаланади. Маколлардаги сўзларни бошқаси билан алмаштириш, унга бирон сўз қўшиш мумкин эмас. Улар миллий тил таркибида қолиплашган ҳолда намоён бўлади. Мазкур жанр дунёдаги барча халқлар оғзаки

ижодида мавжуд бўлиб, ҳажм, шакл, яратилиши мақсадига кўра муштарак ҳисобланади. Ҳатто номланишида ҳам яқинлик аниқ сезилади. Жумладан, арабларда қавлун – гап, сўз маъносини ифодаласа, тожикларнинг зарбулмасал атамаларида мисол келтириш, руслар пословица сида сўзлар билан фикрни ифодалаш, турклардаги ота сўзи да эса аждодлар фикрини эслаш маъноси етакчи. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луготит турк” асарида ҳам сав атамаси оталар сўзини эслаш тарзида келтирилган. Мақолларнинг бошқа паремиологик бирликлардан фарқи шундаки, улар тугалланган гап сифатида икки томонлама характерга, яъни ўз ва кўчма маъноларга эга бўлиши мумкин.

Мақолларда халқ ҳаётининг турли жабҳалари акс этиши мумкин. Фалсафанинг асосий тушунчаларидан ҳисобланган замон ва макон категориялари ҳам мақолларда турлича талқин қилинади. Масалан, темпорал маъноли сифатлар мақолларда воқеалар, ҳодисалар ва предметларнинг локаллашувини акс эттиради: Сўнгги пушаймон – ўзингга душман; Эрталабки муштдан қайтма; Қовун есанг саҳар е, саҳар емасанг заҳар е; Ўтган кун топилмас, келар кун сотилмас; Қирқида танбур олган ўлганда чалар; Қурбақа ҳам вақти билан вақиллар; Ҳар бир ишининг вақти бор, вақт билганнинг баҳти бор; Аввал келган ҳўқиз сувнинг тозасини ичар; Дардингнинг вақти ўтса, табибдан ўпкалама ва ҳ.к.

Маълумки, турли маданиятларда замонга нисбатан аксиологик муносабатлар ўзаро фарқланади. Масалан, ўзбек ва турк халқлари маданиятида катта ёшли кишилар узоқ умр кўрган, ҳаётий тажрибага эга, доно фикрловчи, фақат яхшилик уругини сепувчи авлод сифатида жамият ва оиласда алоҳида ҳурмат ва эъзозга эга. Ушбу ҳодисани халқ оғзаки ижодига хос бўлган мақол, матал ва ибораларда кўриш мумкин: Қариси бор уйнинг париси бор; Қари билганни пари билмас; Каттага ҳурматда, кичикка иззатда бўл, Шу ёига етказсин ва ҳ.к.

Худди шундай турк мақолларида ҳам аждодга ҳурмат ёки унинг ҳаётий тажрибасининг аҳамиятини ифодаловчи мақоллар мавжуд. Уларга яққол мисол сифатида “Oğul atadan öğrenir sofra açmayı, kız anadan öğrenir biçki biçmeyi” (Ўғил бола дастурхон ёзишни отасидан, қиз бичиш-тикишни онасидан ўрганади) “Atasını tanımayan Allah’ı tanıtmaz” (Аждодларини танимаган Аллоҳни танимайди); “Atalar sözünü tutmayan yabana atarlar (Аждодлар сўзларига аҳамият бермаган одам билан ҳамма алоқани узади.”); каби мақолларни келтириш мумкин. Айниқса, “Atalar sözü Kur'an'a girmez ama yanınca yürürl” (Аждодлардан қолган сўзлар Куръон оятларидек қадрли) (Aksoy 1988:159) мақол диққатга сазовордир.

Бироқ турк тилида кексаликнинг оғир давр эканлигини ифодаловчи иборалар ҳам мавжуд. “Elden ayaktan düşmek”; “eli ayağı tutmamak” иборалари одамларнинг ёши улғайган сари танасидаги ўзгаришлар туфайли кўп ишларга куч-қуввати етмаслигини англатади. Хусусан, “Aslan kocayinca sıçan deliğini gözetir” (Aksoy 1988: 154) (Арслон қариганда каламуш тешигига қарайди” мақолида кексаларнинг оғир аҳволи ифодаланган.

Кексалик туфайли одамлар ёшлигида қилган кўп ишларини бажара олмайдилар ва баъзида ёшларнинг ёрдами ва ғамхўрлигига муҳтоҷ бўладилар. Шу ва шунга ўхшаш вазиятларга тушиб қолган одамларни тасвирлаш учун “kurt kocayinca köreğin maskarası olur (Aksoy 1988: 358) (Бўри қариганда итга кулгу бўлади) мақоли кўлланади. Худди шундай “Atın yaşlısı kasaplık, adamin yaşlısı maskaralık” (Güriz 2008: 135) (Кекса от сўйилади, чол масхара бўлади) деб айтилади Бироқ, уруш санъатида бу ҳолатнинг акси ифодаланади: “Türk karır, kılıcı karımadır” (Aksoy 1988: 450). (Турк қариса ҳам, қиличи қаримайди), яъни ушбу мақол орқали турклар ёшлик чоғида бўлгани каби, қариганда ҳам қиличдан фойдаланиш маҳоратини сақлаши ифодаланган.

Замон турғун бирикмаларда, метафоралар кўринишидаги образли бирикмаларда ҳам аксиологик характерга эга бўлади: *ёргу кунлар, қора кун, оғир йил, ҳаёт йўли, тақдир чизиги, умр сувдек оқиб кетди, елдек учиб кетди, ой чиқди.*

Анъанавий ўзбек маданиятида замон тушунчаси қатъий тарзда қарама-қарши ҳолатларда баҳоланади, яъни мутлақо ижобий ва салбий хусусиятларга эга бўлади. Яхши замон инсонга соғлик, баҳт, бойлик, муваффақият келтиради, ёмон замон эса – касаллик, омадсизлик, муҳтоҷлик, ғам-ташвиш олиб келади. Аввал таъкидланганидек, ўтмиш кўпинча яхши хотираларга бой пайт (*ажаб замонлар, ширин хотиралар*), ҳозирги пайт тез ўтиб кетаётган қимматли онлар (*вақт ганимат, уч (беш) кунлик дунё*), келажак эса кўплаб синовлар, қийинчиликлар, шунингдек, кутиладиган пайт (*охирзамон, йилдан йил баттар*) сифатида тушунилган.

Турк мақолларида ҳаётнинг турли даврларига оид мисоллар бор. Масалан, “Gençliğin kıymeti ihtiyaçlıktır bilinir” (Ёшликнинг қадри қариганда билинади) “Gençlikte para kazan, kocalıkta kur kazan” (“Ёшликда пул топ, кексаликда қозон ўрнат) (Aksoy 1988: 287) каби мақолларда кексаликда ҳаёт қийинчиликларига дуч келмаслик учун ёшлик даврида меҳнат қилиш кераклиги тушунтирилган.

Дарҳақиқат, ислом таълимоти ялқовлик иллатидан узоқда бўлишимизга, ҳар тонг эрта туришга ва хайрли амалларни қилишга, ҳамда ёшлиқ, соғлик, бойлик, бўш вақт ва дунё ҳаётини ғанимат билишга чорлайди. Имом ат-Термизий ривоят қилган ушбу хадисда Расулуллоҳ с.а.в шундай насиҳат киладилар:

“Беш нарсани беш нарсадан олдин ғанимат билинг: кексаликдан олдин ёшлиқни, бетобликдан олдин саломатликни, фақирликдан олдин бойликни, бандликдан олдин бўш вақтингни, ўлимингдан олдин тирикликни ғанимат билинг” (Нарзуллаев 2017). Имоми Шофеъий раҳматуллоҳи алайҳи айтадилар: “Вақт қилич кабидир. Агар сен кесмасанг, сени кесиб кетади. Аллоҳни тоати билан, нафл намозларни кўпайтириш билан, қариндошлиқни тиклаш билан, касалларни бориб кўриш билан, садақо бериш билан, нафл рўзалар тутиш билан, биродарингнинг кўнглини шод қилиш билан, саломни ошкор қилиш, ширин сўз айтиш билан, ота-онанг, aka-укаларинг ва аҳли аёлингга табассум ила назар солиш билан вақтингни ўз фойдангга ҳал қил” (Тиллабоев 2019).

Бироқ ўтмишда қилинган меҳнатнинг меваси, савоб ишларнинг мукофоти, орзуниятларнинг амалга ошиши ҳам умидли келажакдан кутилади (*ёргу келажсак, буюк келажсак*).

Замонга бўлган аксиологик муносабат тиббиёт соҳасига оид одам организмида юз берувчи ҳодисалар билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин: *ой-куни яқин* – ҳомиладор аёлнинг туғиши пайти яқинлашгани; *газак вақти* – иссиқ кунлар тугаб, салқин ҳаво бошланадиган куз фаслининг ўрталарида теридаги яралар газаклаши (қизариб йиринглаши) ва баъзи касалликлар кучайиши; *улгайши жараёни* – қаришга нисбатан ижобий муносабат, яъни инсоннинг ақли ва донолиги ортиб истарали бўлиб бориши; *ёшарии жараёни* – кўплаб ижобий сабаблар туфайли ёшига нисбатан ёш кўриниши ва ҳ.к.

Турк тилида ҳам шунга ўхшаш мисоллар бор. *Arıca etek, kuruca yatak* (тоза этак, қуруқ тўшак); *kırk yılda bir ölet olur, eceli gelen ölüür* (Кирқ йилда бир ўлат бўлар, ажали етган ўлар); *Hasta yatan ölmez, eceli yeten ölüür* (Касал ётган ўлмайди, ажали етган ўлади); (Aksoy 1988: 150, 360, 469).

Халқ тақвими фақат инсон учун муҳим бўлган пайтлар ва вақт оралиқларини қайд қилиб бориш ҳамда йил тузилиши (таркиби)ни белгилашнинг универсал воситасигина бўлиб қолмай, узлуксиз табиий замонда дискрет ритуаллаштирилган тизим хусусиятини акс эттиради (байрам ва иш кунлари, рўза тутиш, овқатдан сақланиш, “яҳши” ва “ёмон”

кунлар ва ҳ.к.). Ушбу тақвим шаклланишида астрологик, эсхатологик (нариги дунё тўғрисидаги қарашлар), диний тасаввурлар мужассамлашиб кетган.

Ўзбек маданий анъанасида тақвим бирликларининг (ҳафта кунлари, кун қисмлари, байрамлар ва ҳ.к.) алоҳида баҳолангандиги ҳам замонни аксиологик англашни акс эттиради тилида ҳам шу каби шаклланиб қолган тасвирий ифодалар мавжуд: душанба – *оғир кун, чоришанба – муродбахи кун, пайшанба – жума оқшоми, жума – муборак кун, шанба ва якишанба – дам олии ёки бозор кунлари*. Ҳозирги кунда глобализация жараёни майший турмушнинг барча жабхаларига ўз таъсирини ўтказмоқда. Масалан, инглиз тилидаги *weekend* сўзи аввал рус тилида қўллана бошлади, кейин эса ўзбек тилига ҳам ҳафтанинг охирги икки куни, яъни ҳордик чиқариш пайти сифатида кириб келаётгани кузатилмоқда.

Ўзбек тилида халқ анъаналари билан боғлиқ ушбу тушунчаларга оид хурофотлар ҳам шаклланиб қолган: *Жума куни фол очилмайди; Шанба куни қарз берилмайди, Сешанба куни кир ювилмайди.*

Одатда мақолларда зидланадиган ибтидо ва интиҳо тушунчалари аксиологик жиҳатдан ижобий – салбий тушунчалар сифатида эмас, балки сифат жиҳатидан мураккаб шкала бўйича бир-бирига қарама-қарши қўйилади: ўзб.: *Аввалинг хор бўлса бўлсин, охиринг хор бўлмасин; Жўжани кузда санайдилар.*

Инсон умрига нисбатан бошланиш ва ниҳоя тушунчаларини қўллаш ҳаёт давомидаги асосий координаталарни англатади. Замон тўғрисидаги халқ тасаввурлари маълум катъий ташкил қилинган тушунчалар, қадрият мўлжаллари тизимини ҳосил қиласди ҳамда унинг асосида вақт давомийлиги, ўзгарувчанлиги, ҳаётнинг ҳаракати ва ўлимнинг замонсизлиги (бевакът ўлим), ўзгармаслиги, ҳаракатсизлиги кабиларни ўз ичига олувчи мутлақ қарама-қарши ҳолат “ҳаёт ва ўлим” жойлашади. Замон бу дунёга, тирикларга хос бўлган категориядир, нариги дунёда замон йўқ – у ҳаракатсиз ва ўзгармас: *Бугун бор, эртага йўқсан; Ўлим қоши билан киприк орасида; Ўлим – ҳақ.* Турк тилида ҳам шунга ўхшаш иборалар мавжуд. *Bugün varız yarın yokuz; dünya ölümlü, gün akşamlı; ölümden öte köy yok* ва ҳ.к. (Aksoy 1988: 252, 407).

В.А.Маслованинг фикрича, рус тили моҳият эътибори ила муқаддасликни ифодалайди. Илоҳий ҳақиқатнинг бевосита мушоҳада қилиниши рус кишиисига хос бўлган эътиқоддир. Бу ҳолда тил – эътиқоднинг асосий манбаси ҳисобланади. Эътиқод

тилнинг ўзига сингдирилган: қадимги кишилар тилининг биринчи ва асосий вазифаси – муқаддасликни ифодалаш бўлган. Эътиқод тилда муқим ўрнашади ва асрлар давомида сақланади. Шунинг учун она тили – ҳақиқатни акс эттирувчи ва инсонни шакллантирувчи халқ донишмандлигининг манбаси ҳисобланади (Маслова 2009: 44-53).

Бизнингча, ушбу фикрни барча тилларга тегишли деб ҳисоблаш мумкин, чунки ҳар бир халқнинг ўз она тили дунёвий ва диний билимларни етказувчи дастлабки восита ҳисоблангани ҳолда, энг мукаммал тил сифатида идрок қилинади.

Инсон маълум замонда яшар экан, бир пайтнинг ўзида турли замонларни бошидан кечиради: астрономик ва астрологик, тарихий ва ёшга оид, сакрал (муқаддас, мифологик, ритуал) ва профан (одатий). Н.Д.Арутюнованинг қайд этишича, улар қайсиdir даражада инсон хаётини бошқариб боради: хаётий воқеалар (туғилиш, ўлим), хиссий кечинмалар, ижтимоий хулқ-атвор, тарихий воқеалар, инсон ҳаракатларининг мақсади кабиларнинг ўзаро мувофиқлигини талаб қиласи (Арутюнова 1997: 351).

### **Хулоса**

Инсоният тарихида нафакат шахс онгода, балки халқ ёки миллат онгода ҳам замон тўғрисидаги тасаввурлар натижасида турли замон моделлари шаклланган ва улар олимлар томонидан турлича таснифланган: даврий, бир йўналиши, шажаравий, мифологик, сакрал (муқаддас), реал, перцептуал, концептуал, аксиологик, бадиий ва ҳ.к. Бироқ ушбу моделлар вакт ўтиши билан ўзгариши, кенгайиши ва ривожланиши ҳам мумкин. Муқаддас матнларда замон категориясининг ифодаланишини ўрганиш замон моделларини янгича таснифлаш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади. Унга кўра, замоннинг асосий моделлари сифатида муқаддас (сакрал) ва майший (профан) замонларни эътироф этиш мумкин. Муқаддас ва майший замон моделлари инсоннинг ҳаёти давомида ортирадиган диний ва дунёвий тасаввур ва билимлари уйғулигини акс эттирган ҳолда, халқ маданиятининг, маданиятлараро мулоқотнинг ёрқин воситаси бўлиб қолаверади.

Хулоса қилиб айтганда, муқаддас матнлардаги замон таълимоти халқнинг кундалик турмуш тарзига, тилига чукур ўрнашиб кетганлиги ва турли тил бирликларида баъзан муқаддас, баъзан одатий (майший) ифодалар сифатида акс этаётганлиги тил, дин ва маданият уйғулигининг яққол ифодаси ҳисобланади. Эътироф этиш лозимки, тарихда келиб чиқиши бўйича қардош ҳисобланган ўзбек ва турк халқларининг ҳозирги кунда тиллари ва маданиятларида маълум фарқлар бўлишига қарамай, уларни айнан

муқаддас замон тушунчаси бир-бирига яқинлаштириб, тарихий алоқасини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Йиллар ёки асрлар давомида сайқалланиб келган ва тайёр ҳолда қўллаш учун қулай бўлган мақоллар, маталлар ва турғун бирикмалар халқ томонидан миллий қадрият сифатида эъзозлаб келинмоқда, уларда акс этувчи динийлик заминида вужудга келган замон таълимотига риоя қилиш ҳали ҳам долзарблигини йўқотмаган.

### **Фойдаланилган адабиёт**

- Aksoy, Ö. A. (1988). *Atasözleri ve Deyimler Sözlüğü I*, İstanbul: İnkılap Kitabevi Yayınları.
- Арутюнова, Н. Д. (1997). Время: модели и метафоры. *Логический анализ языка: язык и время*. Москва: Индрик, 51-61.
- Бегматов, Э., Мадвалиев, А. & ва Маҳкамов, н. б. (2006). *Ўзбек тилининг изоҳли лугати-5-томлик*, Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси нашриёти.
- Гумилев, Л. Н. (2003). *Этносфера: История людей и история природы*, Санкт-Петербург: Кристалл.
- Güriz, A. (2008). *Atasözleri ve Halk Deyimleri Işığında Türk İnsanı*, Phoenix Yayınevi: Ankara.
- Ильичева, Л.Ф. (под. ред.) (1983). *Философский энциклопедический словарь* Москва: Сов, Энциклопедия нашриёти.
- Маматов А. Э. (2017). Национально-культурная специфика фразеологии// “Актуальные проблемы русского словообразования” материалы традиционного Республиканского семинара в рамках Узбекистанской научной школы русского словообразования. – Ташкент. – С. 64-68.
- Маслова, В. А. (2009). Национальные ценности и язык: духовный код культуры. *Изменяющаяся Россия и славянский мир: новое в концептуальных исследованиях* / отв. ред. М.В.Пименова. – Севастополь: Рибэст, 44-53.
- Мусо Тошмуҳаммад ўғли, О. (1963). *Болалик*, Тошкент: Ёш гвардия нашриёти..
- Нарзуллаев, о. (2017). Вақт – қадри улуғ неъмат. <http://old.muslim.uz/index.php/maqolalar/item/3786>
- Руткевич Е. Д. (2015). *Румыния — Сен-Жан-де-Люз*, Москва : Большая российская энциклопедия.
- Саримсоқов, Б. И., Мусакулов, А. К. (2003). *Ўзбек халқ мақоллари*, Тошкент: Шарқ нашриёти.
- Тиллабоев, Н. (2019). Вақт – бебаҳо неъмат! <http://old.muslim.uz/index.php/maqolalar/item/17632>
- Куръони Карим (1992). (Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур) – Тошкент: Чўлпон нашриёти.

**Ўзбек Ва Турк Тилларида Замоннинг Муқаддас**

**Қадрият Сифатида Ифодаланиши Хусусида**

---

